



ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУҒДДА МАДАНИЙ ҲАЁТНИНГ РИВОЖИ

Ж.Турдиалиев

СамДУ тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17523355>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-oktabr 2025 yil
Ma'qullandi: 28-oktabr 2025 yil
Nashr qilindi: 31-oktabr 2025 yil

KEY WORDS

суғд, мусиқа, рақс, Афрасиёб,
Панжикент, Шарқий
Туркистон, Хитой

ABSTRACT

Инсоният тафаккурининг буюк кашфиётларидан бири бўлган мусиқа ва рақс санъати бугунги Ўзбекистон ҳудудларида ўз тараққёитининг юқори чўққисига қикқан. Марказий Осиёнинг муҳим географик ва сиёсий нуқтаси ҳисобланган Суғд тарихий-маданий давлат уюмлари, хусусан, унинг маркази Самарқанд қадимий Шарқ мусиқа санъатининг ҳам асосий марказларидан бири бўлиб келган.

Ўрта Осиё халқларининг маиший ҳаётида мусиқа ва рақс билан боғлиқ байрамларнинг муҳим ўрин эгаллаганлигига доир ёзма манбаларда ҳам маълумотлар келтирилади. Айниқса хитой йилномалари бундай маълумотларга бой. Масалан, “Тан шу” йилномасида Суғднинг маркази бўлган Самарқанд аҳолисининг ўйин кулгуни хуш кўришлари келтирилади. Худди шу манбада Хитойнинг бой хонадонларида Суғддан борган машшоқлар ва раққосалар доимий равишда хизматда бўлганликлари айтиб ўтилган.

Бу даврда суғдийлар Буюк Ипак йўлида тўла ўз ҳукмронликларини ўрнатганлар. Бу йўл орқали суғдийларнинг ҳунармандчилик буюмлари, турли-туман савдо маҳсулотлари, маданияти ва шу билан бирга мусиқа маданияти ҳам Шарқий Туркистон, Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача етиб борган. Хитойлик олим Сун Сяннинг ёзишича V асрдан X асргача Самарқандлик суғдийларнинг кўшиқлари, рақслари ва мусиқа асбоблари доимий равишда Хитой императорларининг саройлари, шаҳар ва қишлоқлари кўчалари бўйлаб таралиб турган [3. 278.].

Хитой императори ва юқори мансабдорларнинг саройларида Трансоксиана (Ўрта Осиё) ва Шарқий Туркистондан келган мусиқачиларга юксак санъатлари боис юқори даражада ҳурмат кўрсатилган. Т.Ширинов, А.Бердимуродов ва А.Раимкуловларнинг келтиришича, Япониялик олим Кисибэ Тан империяси саройида фаолият кўрсатган ғарблик, яъни Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонлик ўттиз битта мусиқачининг номини аниқлаган [7.80.].

“Бей ши” йилномасида келтирилишича, “... Катта ва кичик доира, гитара, беш торли гуслар (чертиб чалинадиган торли мусиқа асбоби), флейта (найсимон мусиқа асбоби) бор. Тўй ва дафн маросимлари турклар билан бир хил”. Йилномаларга кўра, Тан

империяси даврида 727 йилда Кешдан, 729 йилда Маймурғдан, 713 ва 727 йилларда Самарқанддан Хитойга ёш йигит ва қиз раққосалар борганлар. Улар қирмизи кўйлак, қизил замшдан ковуш кийишиб рақс ижро этганлар. Раққосаларнинг чиқишлари махсус саҳналаштирилган ва рақслар асосан икки турга бўлинган – биринчиси тур рақслар шоирона нозик, гавда ва қўл бармоқларига алоҳида эътибор бериладиган ҳаракатлар орқали нафис ижро этилса, иккинчи тур рақслар эса шўх-шодон, шиддатли ва акробатик усулларда ижро этилган. Уларнинг рақслари тўғрисида хитойлик шоирлар Бо Цзюй-и ва Юань Чженлар

«Шамолдек чарх ураётган ғарблик қизлар» деган шеър ҳам битганлар. Бу қизлардан хитойлик маликалар Ян ва Рокшанлар суғдий рақсларнинг бир неча ижро усулларини ўрганганлар»[6.17.].

Бир сўз билан айтганда, илк ўрта асрлар Суғддаги санъатнинг мусиқа ва рақс соҳалари Хитой императорлари саройида намойиш этилиб, юксак баҳоланган. “Чарх ураётган қизлар гирдоби”да чочлик, кумедлик, кешлик, маймурғлик ва самарқандлик раққосаларнинг маҳорати акс этди. Бу рақс намуналари турк ва хитой раққосалари томонидан ўзлаштирилиб, ижро этилган. Турклар ва хитойлар орасида кўплаб суғдий мусиқа асбоблари, жумладан Бухоро мусиқа асбобларининг ўнга яқин хили маълум эди. Қўшиқларни якка ва жўр ижро этиш расм бўлган. VII асрда Ўрта Осиё кўғирчоқ театри Хитойга кириб бориб, хитойликлар томонидан унинг ютуқлари ўзлаштирилган эди [2. 95-96.].

Суғдда қўлга киритилган мусиқа рақс ютуқлари Шарқий Туркистон, Хитой, Узоқ Шарққа доимий равишда “экспорт” қилиниб, бу мамлакатларнинг мусиқа, қўшиқчилик ва рақс санъатининг ривожига катта таъсир кўрсатган. Хитойшунос Э.Шефер бу ҳақда маълумотлар келтиради. Унда келтиришича, суғдийларнинг мусиқа асбоблари, ижроси, кийимлари, рақс турлари Шарқий Туркистон орқали Хитой ва Узоқ Шарққача борган. Унинг маълумотларида “Суғдликлар вино ичяптилар”, “Тўп ўйинда мусиқаси”, “Қордаги сув билан чўмилиш рақси” каби алоҳида мусиқа ва рақс номлари келтирилиб, уларнинг Хитой ва унга қўшни минтақаларда машҳур бўлганлигининг келтирилтирилиши бунинг исботи десак муболаға бўлмайди[4.63.].

Хитой йилномаларида келтирилган бундай маълумотларнинг тўғрилигини бу ўлкада олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шимолий Хитойда олиб борилган археологик қазишмалар даврида VI – VII асрларга оид бадавлат суғдий аслзоданинг қабри топилган бўлиб, бу қабрдан чиққан мармар тоштахтанинг юқори қисмида суғдий аслзода ва унинг хотини хизматкорлари қуршовида базм уюштираётганлиги саҳнаси, пастки планда эса Хитойга бориб ўзларининг санъатларини намойиш этаётган суғдлар мусиқа ансамбли тасвирланган. Ансамблда ўнтача машшоқ иштирок этган. Улардан бир нечтаси уд, иккитаси най, иккитаси бир қўли билан ушлаб иккинчи қўли билан уриб чалинадиган ноғорасимон асбоб ушлаб олган. Битта созанда эса арфа чалаяпти. Созандаларнинг ўртасида эса раққос. Раққоснинг ҳаракатидан, аниқроғи қўлларининг тепага қаратиб тик ҳолатда ушлаб туришидан унинг силтаниб рақсга тушаётганлигини англаш мумкин. Бундай рақсга тушиш кўпроқ эркаклар учун хослигини ҳисобга олсак, бу ерда эркак раққос тасвирланганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Ўрта Осиё халқларининг мусиқаси арабларни ҳам ҳайратда қолдирган. Халифа Волид II Хуросон ноибидан (бу даврда ноиб Наср ибн-Саййор бўлган) Хуросондан зиёфат учун машшоқларни юборишни сўраган.

Илк ўрта асрлар суғддаги рақс санъати излари хунармандчиликда ҳам акс этгани билан муҳим аҳамиятга касб этади. Хусусан, Суғд ҳайкалторошлиги намуналарида кўплаб мусиқа рақсга оид артефактлар мавжуд [5.118.].

Ҳайкалтарошлик деганда кўпчиликнинг кўз ўнгида тошга ўйилган ҳайкалларни яшаш намоён бўлади. Панжикент ҳайкалтарошлигида кўпроқ ёғоч ва ганчдан керакли қиёфа ясалган. Буни ўзига хос ўймакорлик деса ҳам бўлади. Панжикентда ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик уйғунликда ривожланган. Уларнинг етиб келган намуналари намлик натижасида ўз ҳолатини йўқотган ҳамда шаҳарга ёнғин кетган вақтда нобуд бўлган. Маъмурий биноларнинг қарийб ҳаммасида ёғоч ҳайкалтарошлигининг парчалари топилиб, улар асосида Панжикент ҳайкалтарошлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ёғоч ҳайкалтарошлиги намуналари III/47, VII/11 рақамли бинолардан кўпроқ топилган. Улар орасида раққоса қизнинг ўйинга тушаётган ҳолатдаги ҳайкали диққатга сазовор. Унинг чап қўли биқинида, оёқлари эса ўйинга мос равишда қўйилган. Тананинг қуйи қисмини раққосани безаб турган тақинчоқлари ёпиб турибди. Ушбу ҳайкалтарошлик намунаси ҳинд ҳайкалтарошлигини эслатади. Бу ёғоч ҳайкал 722 йилдаги ёнғин натижасида ёниб асл ҳолатини йўқотган. Унинг бўйин қисми тақинчоқлар билан ёпилган. [1. 271-276.]

Суғднинг Панч вилояти маркази бўлган Панжикент шаҳри мусиқа ва санъатга доир кўплаб материаллар берди. Панжикентдан топилган тураржойлар орасида қурилиши жиҳатдан бошқа иншоотларга ўхшамайдиган, майдони (81 м²) жиҳатдан ҳам бошқаларидан каттароқ бино харобаси топилган. Залнинг шарқий девори томонида йирик саҳна жойлашган бўлиб, шимолий девор томонидан иккита катта эшик топилган. Тадқиқотчи бу иншоотнинг шаҳар аҳолиси ҳордиқ чиқарадиган томоша зали бўлганлигини тахмин қилади. Бу ердан ибодатхона, сарой ёки тураржой биносини эслатадиган топилмалар аниқланмаганлиги учун шундай хулоса чиқарилган. Агарда ҳар м² майдонга икки кишидан тўғри келса, 160 кишини бу томоша зали ўз бағрига сиғдирган. Томоша залининг катта қисмини саҳна ташкил этганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўртача ҳисобда ундан 100 томошабин жой олган. Бу томоша залида маҳаллий аҳоли ҳордиқ чиқарган. Раққосалар рақсга тушиб, мусиқачилар куй чалишган.

Илк ўрта асрларда Суғдда тараққий этган мусиқа ва рақс санъати ривожланган ўрта асрлар даврида янада равнақ топиб, дастлабки уйғониш (IX-XII) даврида маданиятнинг муҳим тармоғига айланган эди. Бу даврда ижод қилган қомусий олим Абу Наср Фаробий (870-950) мусиқа санъатининг муҳим фан йўналиши эканлигини янада аниқлаштириб, бу борада ўзининг “Мусиқа асбоблари тўғрисида”ги рисоласини ёзди.

Фаробийнинг “Мусиқа асбоблари тўғрисида” деб номланган китобидан маълумки, Ўрта Осиёда қадимданок ўнлаб турдаги мусиқа асбобларидан фойдаланилган. Бу мусиқа асбоблари жўрлигида ансамбли ижроси амалга оширилган ва ансамб ижросида ҳам бошловчилик ролини уд бажарган. Фаробий танбур, рубоб ва арфани уд жўрлигига қандай созлаш кераклиги тўғрисида ҳам кўрсатмалар берган. Чолғу асбобларининг турлари, ансамбл ижроси тўғрисидаги тарихий фактларни археологик топилмалар ҳам қувватлайдилар.

Мисол тариқасида Амударё бўйида жойлашган Айртон ёдгорлигидан топилган милоннинг I-II асрларига оид фризда уд, арфа ва барабан чалаётган аёллардан ташкил топган ансамбли, шарқий Суғдда жойлашган Панжикент, Сурхон воҳасидаги Болаликтепа ва қадимги Уструшоннинг марказий шаҳри Шахристон ёдгорликларидан топилган деворий суратларда юксак маҳорат билан ишланган ансамбллар тасвирларини келтиришимиз мумкин.

Хуллас, илк ўрта асрларда Суғдда мусиқа ва рақс санъати эмперик билимларнинг муҳим соҳаси сифатида тараққий этиб, бу археологик артефактлар, деворий суратлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари, халқ оғзаки ижоди, шеърят ва адабиётда ҳам акс этгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Масаланинг муҳим жиҳати шуки, илк ўрта асрларда ривож топган ушбу санъат соҳалари Буюк Ипак йўли орқали Шарқий Туркистон, Хитой ва Ҳатто Японияга қадар кириб борган. Араблар орқали эса Суғд мусиқаси ва санъати Испанияга қадар етиб борган ва уларнинг маданиятига таъсир кўрсатган. Ушбу таъсирлар ўз навбатида ривожланган ўрта асрлар даврига келиб мусиқа санъатининг юқори босқичига кўтарилишига ҳамда уйғониш (IX-XII) даврида алоҳида билим тармоғи сифатида ривожланишида замин бўлди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва-Ленинград: Изд. АН СССР. Том II. 1950. С. 271-276.
2. Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панч мулкининг тутган ўрни (илк ўрта асрлар мисолида): тарих фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент: ФА Тарих институти, 2011. Б. 95-96.
3. История ат-Табари / Перевод с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, .Б. Халидова. Ташкент: Фан, 1987. С. 278.
4. Когучи Ясуо. Согдийская культура и согдийцы в Японии // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро симпозиум материаллари. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. Б. 124.
5. Сунь Сян. Самарқанд и Древний Китай // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро симпозиум материаллари. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. Б. 118.
6. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Раимқулов А.А. Шарқ мусиқасини улғайтирган юрт. Самарқанд, 2009. Б. 17.
7. Эргашева Б.С. Суғд ва Уструшона заргарлик санъати ҳунармандчилиги асбоблари ва буюмларини археология манбаларида ёритилиши / Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида. Конференция материаллари. Самарқанд, 2010 йил 25-26 ноябр. Б. 80.